

**НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Ped.34.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ТУРЕКЕЕВА АЛЬФИЯ ЖИЕНБЕКОВНА

**МАЛАКА ОШИРИШ ТИЗИМИНИ ИЛҒОР ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАР АСОСИДА
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

НУКУС – 2021

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of
philosophy (PhD) on pedagogical sciences**

Турекеева Альфия Жиенбековна

Малака ошириш тизимини илғор хорижий тажрибалар асосида
такомиллаштириш механизмлари..... 3

Турекеева Альфия Жиенбековна

Механизмы совершенствования системы повышения квалификации на
основе передового зарубежного опыта..... 23

Turekeeva Alfiya Zhienbekovna

Mechanisms for improving the system of professional development on the
basis of advanced foreign experience..... 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 50

**НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Ped.34.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ТУРЕКЕЕВА АЛЬФИЯ ЖИЕНБЕКОВНА

**МАЛАКА ОШИРИШ ТИЗИМИНИ ИЛҒОР ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАР
АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

НУКУС – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.3.PhD/Ped928 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Нукус давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.ndpi.uz) ҳамда «ZiyoNET» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Неъматов Шухрат Эргашович
педагогика фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Адизов Бахтиёр Рахмонович
педагогика фанлари доктори, профессор

Рахимов Бахтиёр Худойбердиевич
педагогика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Қарши давлат университети

Диссертация химояси Нукус давлат педагогика институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Ped.34.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «11» XU кунин соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 230105, Нукус шаҳри, П.Сейтов кўчаси, рақамсиз уй.) Тел.: (99861) 229-40-75; факс: (99861) 229-40-75; e-mail: nkspi_info@edu.uz.

Диссертация билан Нукус давлат педагогика институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (29 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 230105, Нукус шаҳри, П.Сейтов кўчаси, рақамсиз уй. Тел.: (99861) 229-40-75; факс: (99861) 229-40-75.

Диссертация автореферати 2021 йил «29» XI кунин таркатилди.
(2021 йил «29» XI даги 29 рақамли реестр баённомаси).



Б.П. Отемуратов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
ранси, ф.-м.ф.д., доцент

З.К. Курбаниязова
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, п.ф.н., доцент

Т.Т. Утебаев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги Илмий семинар
ранси, п.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳоннинг нуфузли марказларида умумтаълим мактаблари ўқитувчиларининг малакасини ошириш тизимини ўрганиш (Cambridge University, АҚШ), ўқитувчилар малакасини ошириш тизимига оид янгича ёндашувлар (Leland Stanford Junior University, АҚШ), ўқитувчилар малакасини оширишнинг инновацион тизими (Санкт Петербург университети, Россия), Корея миллий мактаблар ўқитувчиларини касбий ривожлантириш (Корейс тили миллий институти, Корея Республикаси), немис педагогларини касбий ривожлантириш ва уларнинг малакасини ошириш (Universität zu Köln, Германия) устувор аҳамият касб этмоқда. Ушбу тадқиқотлар малака ошириш тизимини илғор хорижий тажрибалар асосида ривожлантиришнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш ва вариативлигини таъминлаш заруриятини кўрсатади.

Дунёда таълимнинг халқаролашуви шароитида педагогларнинг креатив салоҳиятини ривожлантиришнинг дидактик тизимини такомиллаштириш, ўқитувчиларнинг рефлексив позициясини шакллантириш орқали мустақил малака ошириш жараёнларини жадаллаштириш, андрагогик ёндашув асосида педагогларнинг шахсий компетентлигини таркиб топтиришга доир қатор илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Айниқса, малака ошириш жараёнларига ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш орқали ўқитувчиларда инновацион фаолиятни ривожлантириш, интернал мотивацияни кенгайтириш орқали ўз-ўзини таҳлил этиш ва баҳолаш малакасини шакллантириш, аутопсихологик компетентлик асосида ўқитувчиларнинг акмеологик қобилиятини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса, халқ таълими ходимларининг малакасини ошириш тизимига илғор хорижий тажрибаларни қўллашнинг бенчмаркинг моделини такомиллаштириш, мустақил ўз-ўзини ривожлантириш механизмларини ишлаб чиқишни тақозо этади.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда педагогларнинг шаъни ва обрўсини ошириш, инновацион фикрлаш маданиятини таркиб топтириш, малака ошириш жараёнларида муқобил ўқитиш шакллари жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. “Узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш”¹ муҳим долзарблик касб этади. Бу эса, малака ошириш тизимини илғор хорижий тажрибалар асосида такомиллаштиришнинг дидактик шарт-шароитлари ва педагогик механизмларини такомиллаштиришни тақозо этади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2018 йил 5 сентябрдаги ПФ-5538-сон “Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўчимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108 сон “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт давридаги таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чоро-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2021 йил 25 январдаги ПҚ-4963-сон “Халқ таълими соҳасидаги илмий-тадқиқот фаолиятини қўллаб қувватлаш ҳамда узлуксиз касбий ривожлантириш тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикада А.Аскарлов, Г.Боймуродова, А.Ибрагимов, А.Ибрайимов, М.Юлдашев каби олимлар халқ таълими ходимларининг, А.Джураев, О.Мусурмонова, Н.Муслимов, М.Мирсолиевлар олий таълим муассасаси раҳбар-ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, мазкур жараёни ташкил этишда масофавий ва аралаш таълимнинг имкониятларини кенгайтириш, ўқитиш сифати ва самарадорлигини оширишга доир илмий изланишлар олиб боришган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги олимларидан О.Орлова Европа мамлакатларида малака ошириш тизими ва унинг таълим ривожланишидаги ўрни, В.Б.Гаргай Буюк Британияда ўқитувчилар малака ошириш тизимининг ривожланиши, О.А.Козырева, О.И.Мезенцева, А.И.Носков, Л.И.Петровлар илмий тадқиқот ишларида Россия таълими тизими ходимларининг малакасини оширишнинг устувор йўналишлари ва етакчи тенденциялари очиқ берилган.

V.Greaney, M.Johnson, T.Kellaghan, C.McKee, D.Nusche, T.Radinger, W.Ritchie, P.Santiago, C.Shewbridge каби хорижлик олимлар малака ошириш курси тингловчиларининг тадқиқотчилик лаёқатини ривожлантириш йўллари ҳамда таълим сифатини миллий баҳолаш асосида малака оширишнинг замонавий шакллари тадқиқ этишган.

Юқорида қайд этилган тадқиқотларда малака ошириш тизимини ривожлантириш, тингловчиларнинг кўникма ва малакаларини такомиллаштириш, масофавий малака ошириш тизимини кенг қўламда

татбиқ этишнинг айрим жиҳатлари очиб берилган. Бироқ малака ошириш тизимини илғор хорижий тажрибалар асосида такомиллаштириш механизмлари мустақил тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Нукус давлат педагогика институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Узлуксиз таълим тизимида мустақил фикрловчи эркин шахсни тарбиялашнинг илмий-педагогик асослари” (2015–2020 йй.) мавзусидаги фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади малака ошириш тизимини илғор хорижий тажрибалар асосида такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

халқ таълими ходимларининг малакасини оширишнинг мавжуд ҳолатини ва хорижий тажрибаларни қиёсий таҳлил этиш;

илғор хорижий тажрибалар асосида малака ошириш тизимини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари ва мазмунини ёритиб бериш;

малака ошириш тизимини илғор хорижий тажрибалар асосида такомиллаштириш моделини ишлаб чиқиш;

малака ошириш тизимини илғор хорижий тажрибалар асосида такомиллаштириш механизмларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида халқ таълими ходимларининг малакасини ошириш тизимини илғор хорижий тажрибалар асосида такомиллаштириш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент ва Жиззах вилоятлари халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий марказлари профессор-ўқитувчилари ва тингловчилар иштирок этди.

Тадқиқотнинг предметини халқ таълими ходимларининг малакасини ошириш тизимини илғор хорижий тажрибалар асосида такомиллаштириш жараёни мазмуни, модели ва механизмлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда илмий адабиётлар таҳлили, аналитик шарҳ, қиёслаш, далилларни асослаш, таққослаш, анкета, савол-жавоб, суҳбат, интервью, педагогик эксперимент, математик статистика каби усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

халқ таълими ходимларининг малакасини оширишнинг ташкилий-педагогик жиҳатлари қатъий интизомлилик, мулоқотчанлик, ўз-ўзини ривожлантиришга эришишга ҳаракатчанлик ва мустақиллик каби сифатларни таркиб топтиришга йўналтирилган модулли таълимнинг таянч нуқтаси ҳисобланган аналитик-рефлексив фаолиятнинг интеллектуал-педагогик компетенция билан интернал тарзда намоён бўлишининг даража (критик, мақбул, ижобий) тавсифини белгилаш орқали аниқлаштирилган;

малака ошириш тизимини такомиллаштиришнинг касбий малака харитасини тузиш, педагогнинг рейтинг дафтарчасини юритиш, индивидуал таълим траекториясини белгилаш, малака оширишнинг билвосита ва муқобил шакллари амалга ошириш, андрагогик ва витаген таълим интеграциясини таъминлашга доир устувор йўналишлари янги Ренессанс педагогикасининг ижтимоий мослашув ва мобиллик, шахсий ҳаётий тажрибага асосланган витаген таълим каби талабларини ҳисобга олиш асосида аниқлаштирилган;

малака ошириш тизимини илғор хорижий тажрибалар асосида такомиллаштиришнинг бенчмаркингга асосланган модели “Педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган малака талаблари”ни “ҳаёт давомида таълим олиш” парадигмаси ва ўқитувчиларнинг даврий касбий ривожланишидан доимий узлуксиз таълимга ўтиш жараёнлари билан интенсив қайта алоқасини таъминлаш асосида такомиллаштирилган;

малака ошириш тизимини илғор хорижий тажрибалар асосида такомиллаштиришнинг ташкилий, дидактик ва акмеологик механизмлари аффилятив мотивацияни таркиб топтириш ва креатив муҳитнинг яхлитлик, интеграллик, ўз-ўзини ривожлантиришга йўналтирилган тайёргарлик, ахборот алмашиш, рефлексия босқичларига мувофиқ келувчи қисқа муддатли курслар ва даврий семинарлар (workshop) нинг тадқиқий-педагогик (teacher research) ва продуктогенлик даражаси дифференциявий адаптивлигини ошириб бориш орқали такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

“Малака ошириш тизимини хорижий тажрибалар асосида такомиллаштириш” номли методик қўлланма ишлаб чиқилган;

тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган механизмларни татбиқ этиш орқали “Таълим сифат-самарадорлиги ва халқаро баҳолаш дастурлари”, “Таълимда инновацион ёндашувлар” ва “Педагогнинг касбий компетентлиги ва маҳорати” модуллари мазмуни такомиллаштирилган;

илғор хорижий тажрибалар асосида ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини узлуксиз ривожлантириш жараёнларини лойиҳалаш тизими такомиллаштирилган;

таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш орқали педагогнинг касбий тайёргарлиги сифатига қўйиладиган малакавий талабларни такомиллаштириш бўйича илмий методик тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқ этилаётган муаммога фалсафий ҳамда илмий-педагогик ёндашув, тадқиқот мақсади, объекти, предмети, вазифаларига мос келувчи методлар мажмуасидан фойдаланилганлиги, тажриба-синовга жалб этилган халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш таълим муассасаларининг сони талаб даражасида эканлиги, тажриба-синов

натижалари статистик маълумотларга таянилганлиги ва математик статистик жиҳатдан қайта ишланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти “касбий компетентлик”, “илғор хорижий тажриба”, “малака ошириш тизими” тушунчаларига муаллифлик таърифларининг шакллантирилганлиги, халқ таълими ходимларининг малакасини ошириш тизимига илғор хорижий тажрибаларни жорий этишнинг асосий йўналишлари ва етакчи тенденциялари аниқлаштирилганлиги, миллий ва хорижий малака ошириш тизимларининг компаративистик ёндашувга устуворлик бериш асосида таҳлил этилганлиги, илғор хорижий тажрибалар асосида халқ таълим ходимларининг малакасини ошириш мазмунининг ёритиб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти илғор хорижий тажрибалар асосида халқ таълими ходимларининг малакасини ошириш тизимини такомиллаштиришнинг модели, педагогик шарт-шароитлари ва механизмларининг ишлаб чиқилганлиги, халқаро баҳолаш дастурларига мувофиқ малака ошириш курслари учун ишлаб чиқилган “Таълим сифат-самарадорлиги ва халқаро баҳолаш дастурлари”, “Таълимда инновацион ёндашувлар” ва “Педагогнинг касбий компетентлиги ва маҳорати” модулларининг ўқув-услубий мажмуаларининг такомиллаштирилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Малака ошириш тизимини илғор хорижий тажрибалар асосида такомиллаштириш механизмлари бўйича олинган илмий натижалари асосида:

халқ таълими ходимларининг малакасини ошириш тизими қатъий интизомлилик, мулоқотчанлик, ўз-ўзини ривожлантиришга эришишга ҳаракатчанлик ва мустақиллик каби сифатларни таркиб топтиришга йўналтирилган, педагогнинг малакаси даражаси ва индивидуал касбий эҳтиёжини ҳисобга олиш таъминланган хорижий тажрибанинг устувор жиҳатларини тақозо этишини эмпирик жиҳатдан асослашга доир амалий таклиф ва тавсиялардан “Халқ таълими ходимларини қайта таёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимининг таянч ўқув юртларини белгилаш” бўйича йўл харитасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Халқ таълими вазирлигининг 2021 йил 5 апрелдаги 02-02/3-1042-сон маълумотномаси). Натижада халқ таълими ходимларини малакасини ошириш тизимини кооперативлик асосида такомиллаштиришга хизмат қилган;

илғор хорижий тажрибалар асосида малака ошириш тизимини такомиллаштиришнинг касбий малака харитасини тузиш, педагогнинг рейтинг дафтарчасини юритиш, индивидуал таълим траекториясини белгилаш, малака оширишнинг билвосита ва муқобил шакллари амалга ошириш, андрагогик ва витаген таълим интеграциясини таъминлашга доир устувор йўналишларини аниқлаштириш, малака ошириш тизимини илғор хорижий тажрибалар асосида такомиллаштиришнинг бенчмаркингга асосланган моделини такомиллаштиришга доир амалий таклиф ва

тавсиялардан “Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари мазмуни, сифати ва тингловчиларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган малака талаблари”ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Халқ таълими вазирлигининг 2021 йил 5 апрелдаги 02-02/3-1042-сон маълумотномаси). Натижада илғор хорижий тажрибалар асосида малака ошириш жараёнлари мазмунини такомиллаштиришга хизмат қилган;

малака ошириш тизимини илғор хорижий тажрибалар асосида такомиллаштиришнинг ташкилий, дидактик ва акмеологик механизмларини аффилятив мотивацияни таркиб топтириш ва креатив муҳитнинг яхлитлик, интеграллик, ўз-ўзини ривожлантиришга йўналтирилган тайёргарлик, ахборот алмашиш, рефлексия босқичларига мувофиқ келувчи қисқа муддатли курсларнинг элективлик даражасини ошириш орқали такомиллаштиришга доир амалий таклиф ва тавсиялардан И1-ХТ-0-11142 рақамли “Ўқитувчилар малакасини оширишнинг инновацион-қадриятли йўналишларини жорий этиш” (2015-2016 йй) инновацион лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 9 ноябрдаги 89-03-4507-сон маълумотномаси). Натижада халқ таълими ходимларининг малакасини ошириш тизимининг андрагогик таълим талабларига мувофиқ келувчи инновацион механизминини такомиллаштиришга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро, 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш, 1 та методик қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 7 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва тавсиялар, 135 саҳифа матн, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён қилинган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилиниши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Малака ошириш тизимини илғор хорижий тажрибалар асосида такомиллаштиришнинг ижтимоий-педагогик**

аҳамияти” деб номланган биринчи бобида малака ошириш тизимини илғор хорижий тажрибалар асосида такомиллаштириш механизмларини аниқлаш ижтимоий-педагогик зарурият сифатида асосланган. Халқ таълими ходимлари малакасини ошириш тизимининг амалдаги ҳолати таҳлил қилинган.

XXI асрдаги амалий фаолиятга доир талабларни рўёбга чиқара оладиган, педагогик мулоқот ва ҳамкорликка тайёр, тезкор ахборот ва маънавий-ахлоқий маданиятни тарғиб қила оладиган, мустақил қарор қабул қилиш вазиятида ўзининг эркин фикрига эга бўлган билимли, юқори даражада малакали мутахассислар билан таъминлаш давлат сиёсати даражасида кўтарилди. Бу жараёнда малака ошириш тизимининг ўрни ва аҳамияти муҳим ҳисобланади. Бу эса, ўз навбатида, касбий фаолиятни амалга ошириш учун муайян тарихий ҳолат билан аниқланган тизимли, кўп босқичли, динамик тоифага кирадиган рақобатбардош ва касбий малакани ривожлантиришга қаратилган юқори даражадаги индивидуализмни талаб қилади. Бунинг учун педагоглар малакасини ошириш тизимининг тарихий тараққиёт босқичлари ҳамда замонавий хорижий илғор тажрибалар асосида шаклланган малака ошириш жараёнини чуқур ўрганиш ва таҳлил қилиш зарур.

Илмий тадқиқотимиз мавзусига доир манбаларнинг таҳлили бизга қуйидагиларни тақдим этишга имкон берди:

Биринчидан, маҳаллий олимларнинг касбий компетенцияга оид қарашлари муҳим педагогик аҳамиятга эга бўлиб, улар хорижий манбалар ва илғор тажрибалар асосида бойитилган.

Иккинчидан, кўпчилик олимларнинг фикрича, компетентлилик – ўқитувчи касбий маҳорати, лаёқати ҳамда шахсий фазилатлари билан чамбарчас боғлиқ.

Учинчидан, деярли барча тадқиқотчилар ўқитувчи касбий салоҳияти шахсий (ҳиссий, кучли иродали, аксиологик, мотивацион) хусусиятларининг алоҳида аҳамиятини таъкидлайдилар.

Биз тадқиқотимиз доирасида ушбу ёндашувларнинг мақбул интегратив жиҳатларини кўриб чиқамиз. Ўқитувчининг компетентлиги унинг касбий-шахсий фазилатлари, тажрибани ақс эттиради, касбий вазифаларни бажариш учун зарур бўлган касбий кўникмалар даражасини аниқлайди.

Касбий ривожланганликнинг анъанавий хусусиятлардан фарқли ўлароқ билим, кўникма ва малакаларлардан ташқари, компетентлилик тушунчаси қуйидаги жиҳатларда кўринади:

- интеграллашган ва ижодий характер;
- юқори даражадаги самарали натижадорлик;
- таълимнинг амалий йўналтирилганлиги;
- шахснинг қадриятли-майлли характеристикаси;
- ўзини-ўзи такомиллаштириши учун мотивларни шакллантириш;
- илмий фаолият билан шуғулланишга нисбатан кучли мойиллик.

Юқори даражада малакали ўқитувчи касбий ва педагогик фаолиятни амалга оширади, тескари педагогик алоқа ва ўзаро алоқаларни самарали ташкил этади, ўқувчиларнинг ўқув жараёнида изчил юқори натижаларга эришиш учун шароит яратади.

Юқорида айтиб ўтилганидек, бугунги кунда педагогик фаолиятнинг моҳияти кўп жиҳатдан бутун миллий таълим тизими фаол тарзда шаклланишига боғлиқ. Мазкур ўзгаришларнинг энг муҳим вазифаларидан бири – малака ошириш таълим тизимини янги босқичга кўтариш, интеллектуал ва маънавий соҳаларда фаол, рақобатбардош, ижодкор кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлашдан иборат. Бу жараёнда илғор хорижий тажрибалардан фойдаланишнинг аҳамияти катта.

Англия, АҚШ, Франция, Германия сингари ривожланган мамлакатларда ушбу муаммони ҳал қилишга бағишланган тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, интеллектуал жиҳатдан ривожланган, ҳар томонлама етук педагог мутахассисларни қўллаб-қувватлаш, уларни мунтазам тарзда касбий ривожлантиришдан иборат. АҚШ да ишлаб чиқилган педагог ходимларнинг малакасини ошириш модели бугунги жаҳон меҳнат бозорида кенг тарқалган. Ушбу модель ўқитувчининг шахсий психологик фазилатлари мажмуасини (катъий интизомлилик, мулоқотчанлик, ўз-ўзини ривожлантиришиги эришишга ҳаракатчанлик ва мустақиллик) аниқлашга қаратилган (И.Стевик, Д.Юл, Д.Ж.Мерилл).

Мазкур ёндашувнинг асосий хусусияти шундаки, шахс ўзини-ўзи такомиллаштириши, ўзини-ўзи ривожлантириши, бугунги кун талабларига мослашиши, ўзининг эҳтиёжларини шакллантириши, қобилиятларни ривожлантириши даражасига кўра ўзгартириши ҳисобланади. Шундай қилиб, касбий малаканинг асосий компоненти – бу ўқитувчининг қобилияти, кўникмаси ва малакаларида ифодаланган таҳлилий фаолият ҳисобланади.

Илмий манбаларда педагогик кадрларни тайёрлаш ва малакасини оширишнинг таълимий қадриятлари гуруҳида ўз-ўзини такомиллаштиришнинг омиллари қуйидагича белгиланган: ўз-ўзини такомиллаштиришга янгича ёндашув, мустақил таълим олиш; мустақил билим олиш, шахсий қобилиятларни намоён эта олиш, ижтимоий-касбий мустақиллик; мустақил билим олиш стратегияси, режалаштириш ва ўз-ўзини бошқариш, ўз-ўзини тарбиялаш; ўз-ўзини касбий-шахсий жиҳатдан такомиллаштириш; мустақил билим олиш манбалари, шакли, метод, усул ва воситалари, уларнинг турли-туманлиги, улардан самарали фойдаланиш ва ҳоказолар.

Бутун дунё мамлакатлари каби республикамизда ҳам ўқитувчиларни тайёрлаш масаласи ўта долзарб муаммо ҳисобланади. Республикамизда 10 000 дан ортиқ умумий ўрта таълим мактаблари фаолият кўрсатаётган бўлса, уларда жами 497 523 нафар ўқитувчилар фаолият кўрсатади. Бугунги кунда уларнинг 383 639 нафари малака ошириш курсларидан ўтмаган. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, жами ўқитувчиларнинг 76 883 нафари

(15,0%) ўрта махсус маълумотли кадрлар ҳисобланади². Ҳаттоки, 9547 нафар номутахассис ўқитувчилар фаолият кўрсатиб келмоқда.

Республикамизда таълим соҳасида бўлаётган ислохотлар натижасида бундай салбий ҳолатнинг босқичма-босқич олдини олишга эришилмоқда. Педагогика олий ўқув юртларида ўқитувчиларга бўлган ҳудудий эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда махсус сиртқи, сиртқи ва кечки бўлимларнинг очилиши фикримизга яққол далил бўла олади.

Малака ошириш курсларининг асосий мақсади – ўқув-тарбия жараёнини малакавий талабларга мувофиқ юқори илмий-методик даражада таъминлаш, илғор педагогик ва ахборот технологиялари, ўқитишнинг интерактив усуллари бўйича касбий ва педагогик маҳоратни доимий равишда ривожлантиришга кўмаклашиш учун зарур бўлган касбий билим ва кўникмаларни мунтазам равишда янгилаб бориш, ўқув-тарбия жараёнини ташкил этишнинг янги тамойиллари ва замонавий усуллари, малака талаблари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бу соҳадаги илғор хорижий тажрибалар билан таништириб боришдан иборат.

Республикамизда таълим тизимини ривожлантиришнинг замонавий босқичи мазкур тизимни модернизациялаш жараёнини фаоллаштириш билан тавсифланади. Таълимни модернизациялашнинг умумий йўналиши – таълимнинг тизимли ва органик ўзгаришларни замонавий ҳаёт талабларига мувофиқлаштириш, бунда илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш, таълимни мунтазам янгилаб туриш маданияти ва механизмларини яратиш, унинг шахс, жамият ва давлатнинг долзарб истиқболли эҳтиёжларига йўналтирилганлигига боғлиқ.

Бугунги кунга қадар Мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус ҳамда мактабдан ташқари таълим муассасалари педагог ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курслари давлат талаблари асосида ташкил этилиб, унинг давомийлиги камида 3-5 йилда бир ой бўлиб, 144 соатдан иборат қилиб белгиланган.

Халқ таълими ходимларининг малакасини ошириш жараёни Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқлаб берилган ўқув режа ва дастур асосида амалга оширилади. Ўқув режа ва дастурга асосан тингловчилар 4 та блок доирасида малака оширадилар (таълим муассасалари раҳбарларининг малака ошириш курслари бундан мустасно, улар ҳар уч йилда бир марта малака оширадилар ва у марказлашган ҳолда МТТДМҚТМОИда, А.Авлоний номидаги илмий-тадқиқот институтида, ХТХҚТМО ҳудудий марказларида амалга оширилади). Улар:

Касбий ривожланиш блоки. Мазкур блокда Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг долзарб масалалари, педагогнинг касбий компетентлиги ва маҳорати, синф раҳбарларини тайёрлаш, мутахассислик фанини ўқитишда АКТдан самарали фойдаланиш, нутқ маданияти ва давлат тилида иш юритиш, замонавий педагогик технологиялар ва усуллари очиб берилади. Унга 44 соат ажратилган.

² xtv.uzedu.uz. сайти – 9.09.2021 й.

Мутахассислик фанлари блоки. Бунда Мутахассислик фанини ўқитишда замонавий ёндашувлар, таълим сифатини баҳолаш халқаро дастурлари ва инновацион технологиялар, умумий ўрта таълимда STEAM ёндашуви, амалий машғулот ва лаборатория ишларини ўтказиш методикаси модули берилган бўлиб, унга 94 соат ажратилган.

Таълим муассасаси ихтиёридаги танлов фанлар блокига 6 соат ажратилган.

Бугунги кунда таълим муассасаларида ташкил қилинадиган малака ошириш курслари тингловчиларининг аттестацияси мазкур курсларнинг ўқув режаси ҳамда ўқув жараёни жадвалига мувофиқ ўтказилади. Аттестация курсининг ўқув модуллари бўйича оралик назорат, якуний аттестация синови (чиқиш тести) ва малака иши (лойиҳа иши ва шу каби тадқиқодлар) ҳимоясидан иборат. Аттестация таълим муассасаларида малака ошириш курслари бўйича тузиладиган якуний аттестация комиссиялари томонидан амалга оширилади ва ижобий ҳулоса берилса сертификатни қўлга киритадилар.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, биз Ўзбекистон Республикаси, Россия Федерацияси, АҚШ, Германия ҳамда Жанубий Кореяда ўқитувчилар малакасини ошириш тизимининг ўзига хосликларини қиёсий таҳлил қилдик. Бунда асосан интернет материаллари, республикамиз ҳамда хорижий давлатлар олимларининг шу соҳадаги илмий тадқиқот ишларига таяндик. Тадқиқот натижасида тўпланган материаллар умумлаштирилиб мамлакатимиздаги халқ таълими тизими ўқитувчиларининг малакасини ошириш тизимига тадбиқ қилиш ва қиёсий таҳлил қилиш имконияти вужудга келди.

Биз таҳлилардан келиб чиққан ҳолда, қуйидаги таклифлар ва тавсияларни беришга ҳаракат қиламиз.

1. Илғор хорижий тажрибаларга асосланган ҳолда халқ таълими тизими ходимларининг малакасини ошириш дастурларини табақалаштирилган ёндашув асосида қайта кўриб чиқиш ва уни амалга ошириш.

2. Ҳар бир тингловчига малака оширганлик сертификати билан биргаликда касбий малака (ёки касбий компетенция) харитасини тақдим қилиш.

3. Малака ошириш ва қайта тайёрлаш режалари ва дастурларини илғор хорижий тажрибалар асосида узлуксиз такомиллаштириб бориш.

4. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш соҳаси бўйича илмий-изланишлар ва илғор тажрибалар натижаларини жорий қилиш мақсадида ҳар чоракда чоп қилинадиган илмий-амалий оммавий журналлар чоп этишни йўлга қўйиш.

5. Тингловчилар томонидан малака ошириш даврида мақола ва тезислар чоп этириш амалиётини татбиқ этишни ташкил этиш.

6. Тингловчиларнинг курсдан кейинги фаолияти самарадорлигини мунтазам ўрганиш, таҳлил қилиб бориш.

7. Тингловчининг электрон портфолиосига келгуси малака ошириш курсигача бўлган даврда қилинадиган ишлари бўйича “Истикбол режаси” бандини киритиш.

8. Такомиллаштирилган таълим бериш жараёнига босқичма-босқич ўтиш бўйича тадбирларни ўз ичига олган малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимининг меъёрий ҳужжатлари, шунингдек ўқув-услубий мажмуаларни янада такомиллаштириш чораларини кўриш.

9. Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари томонидан бажариладиган (ўқув, илмий-методик, илмий-тадқиқот, ташкилий-методик ва маънавий-маърифий) иш турлари ҳажмини ҳисоблаш бўйича илғор хорижий тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда янги такомиллаштирилган “Вақт меъёрлари”ни ишлаб чиқиш.

10. Малака оширишни ташкил этиш шакллари, педагогнинг малакаси (рейтинги) даражаси ва индивидуал касбий эҳтиёжини ҳисобга олиш – кадрлар буюртмачиси томонидан белгиланадиган талабларда аниқ кўрсатилади. Бинобарин, педагогнинг ўз хоҳиш-истагидан келиб чиққан ҳолда малака оширишнинг тегишли шаклини танлаш, ўқув-тарбия жараёни сифати мониторинги (диагностикаси) натижалари, ўқув йили мобайнидаги ҳар бир педагогнинг касбий малака даражаси, Давлат талабларига мувофиқлигини ўрганишни ички аттестациядан ўтказиш асосида аниқлаш.

11. Таълим муассасалари жамоа аъзолари орасида соғлом рақобатли муҳитни яратиш.

12. Педагогнинг рейтинг дафтарчаси таълим муассасасида юритилиши қатъий назорат қилиб бориш.

13. Ўқитувчилар томонидан малака ошириш шаклларини белгилашда уларнинг малака даражаларини методологик асос сифатида ҳисобга олиш.

Малака ошириш жараёнида имконият даражасида мутахассислик фанларига кўпроқ соатлар ажратиш зарур. Шунингдек:

малака ошириш тизимидаги ўқув режа ва дастурларни тасдиқлашдан олдин мустақил экспертизадан ўтказишни жорий этиш;

малака оширишнинг билвосита шаклларини амалга ошириш механизминини жорий этиш;

малака ошириш дастурларида асосан илғор хорижий тажрибалар ва соҳадаги энг сўнгги янгиликларни бериш механизминини жорий этиш;

халқаро ҳамкорликни ривожлантириш кутилган самарадорликка эришиш имконини беради.

Диссерциянинг **“Малака ошириш тизимини илғор хорижий тажрибалар асосида такомиллаштириш мазмуни”** деб номланган иккинчи бобида, малака ошириш тизимини илғор хорижий тажрибалар асосида такомиллаштиришнинг педагогик имкониятлари, малака ошириш тизимини илғор хорижий тажрибалар асосида такомиллаштириш йўллари, усуллари, воситалари, механизмлари ва технологиялари ҳамда малака ошириш

тизимини илғор хорижий тажрибалар асосида такомиллаштиришда масофавий таълимнинг имкониятлари ёритилган.

Малака ошириш таълими ривожланишининг янги йўналишлари моҳияти ҳукумат томонидан қабул қилинган бир қатор ҳужжатларда ўз аксини топган. Бу эса республикамиз малака ошириш таълими тизимининг жаҳон таълим тизимига интеграциялашуви жараёнини жадаллаштиришга ёрдам беради. Бунда:

республикамизда илғор хорижий тажрибалар ҳамда халқимизнинг миллий кадриятлари асосида ташкил этилган кадрлар тайёрлаш ва малака ошириш таълимининг мавжудлиги;

малака ошириш жараёнида академик ҳаракатланиш, яъни тажриба алмашиш имкониятининг мавжудлиги;

кредит модул тизимига ўтиш имкониятининг мавжудлиги интеграциялашув жараёнини тезлаштиради.

Кўпгина давлатларнинг таълим муассасаларида узлуксиз малака ошириш – улар иш фаолиятини ташкил қилишнинг мажбурий шартларидан бири ҳисобланади. Масалан, малака ошириш курси учун тўловларни қоплаш бир вақтнинг ўзида уч томонлама: педагог ходим, иш берувчи ва давлат томонидан (Финландия, Австралия, Чехия, Япония) амалга оширилади. Бироқ, баъзи мамлакатларда (Норвегия, Ирландия, Новая Зеландия) педагог ходим малака ошириш курслари учун тўловлардан озод қилиниб, тўловни амалга оширишни давлат ва иш берувчилар зиммасига олган.

Сўнгги пайтларда илғор хорижий тажрибалар асосида республикамиз малака ошириш тизимида онлайн-курслар оммалашмоқда. Бунга The International Step by Step Association (ISSA) халқаро ташкилоти таклиф этаётган Kindergarten Teachers that Make a Difference онлайн-курсини мисол тариқасида келтириш мумкин. Мазкур курс мазмуни ўқувчи шахси психологияси бўйича назарий маърузалар курси, болалар билан ишлашда ностандарт ҳолатлар бўйича видеороликлар, педагогларнинг ўз тажрибаси билан бўлишадиган интернет-форумлар ва бошқалардан иборат.

Австралияда устоз-шогирд амалиёти (The Professional Mentoring Program for Early Childhood Teachers) етарлича оммалашган. Бунда малака ошириш дастури доирасида ёш педагогга кўп йиллик тажрибали педагог бириктирилиб, биргаликда машғулот ўтайди, ушбу жараёнда ёш педагог ўзи учун зарур касбий-шахсий тажриба орттириб боради. Бундан ташқари ёш педагог малака ошириш курсидан кейин ҳам устозидан исталган фаолиятига оид саволларга жавоб олиши мумкин. Устоз ва шогирд бир неча йиллар ҳамкорликда фаолият олиб боради.

Сўнгги йилларда Германия ва Францияда бошқа давлатлардан кўчиб келаётганларнинг мигрант-болалари учун ижтимоий мослашувчанлигини оширишга қаратилган мос равишда немис ва француз тилларини ўргатиш билан боғлиқ малака ошириш курслари кўпроқ оммалашмоқда.

АҚШда турли малака оширувчи ташкилотлар ва ассоциациялар мавжуд бўлиб, турли соҳа педагоглари учун қисқа муддатли ва бир кунлик

семинарлар (workshop) ташкил қилинади. Бу тадбирларда қатнашиш пуллик, яъни ташкилий тўловлар кўзда тутилган. Бундан ташқари, АҚШда ўқитувчининг касбий маҳорати ва малакасини оширишга оид конференциялар ташкил этилади. Бундай конференциялар турли штат ва мамлакатлардан келган педагоглар учун ўзига хос мулоқот, тажриба алмашиш майдони ҳисобланади.

Жанубий Кореяда синфда ёки гуруҳда иш жараёнида малака оширишга катта эътибор берилади. Касбий маҳоратни ошириш жараёнини ифодалаш учун махсус “педагогик тадқиқот” (teacher research) атамаси ишлатилади. Бундай тадқиқот экспериментал характерда бўлиб, у ёки бу педагогик методиканинг дарс жараёнидаги самарадорлигига баҳо бериш имконини беради. Мазкур тадқиқотлар натижалари ҳар доим ҳам оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритилиб борилмайди. Натижалар педагоглар жамоаси учун аҳамиятли бўлиб, тадқиқот якунида ўзаро бир-бирлари билан муҳокама қиладилар. Жанубий Кореяда бундай педагогик тадқиқот ўтказиш мактабгача ва умумтаълим муассасалари учун мажбурий ҳисобланади.


Сингапурда ўқитувчиларнинг малака ошириш жараёнлари турли хил йўллар билан амалга оширилади. Шунингдек, ўқитувчилар ҳар йили 100 соатлик малака ошириш курсидан ўтадилар. Мазкур жараён улар томонидан ихтиёрий тарзда ҳам амалга оширилиши мумкин.

1-жадвал

Европа мамлакатларида ўқитувчиларнинг малака ошириш муассасалари бўйича таҳлилий жадвал

Малака ошириш муассасаси	Мамлакатлар
Малака ошириш марказларида	Австрия, Болгария, Буюк Британия, Венгрия, Германия, Голландия, Греция, Испания, Польша, Руминия, Словакия, Финляндия, Чехия
Олий таълим муассасаларида	Буюк Британия, Венгрия, Голландия, Греция, Дания, Испания, Италия, Норвегия, Польша, Португалия, Руминия, Словения, Словакия, Финляндия, Франция, Чехия, Швеция
Ўқитувчилар уюшмасида	Австрия, Буюк Британия, Венгрия, Германия, Голландия, Греция, Испания, Италия, Польша, Португалия, Руминия, Словения, Финляндия, Чехия, Швеция
Мактабларда	Австрия, Буюк Британия, Венгрия, Германия, Голландия, Греция, Португалия, Словения, Финляндия, Чехия, Швеция
Катталар таълим муассасаларида	Австрия, Буюк Британия, Венгрия, Германия, Голландия, Финляндия, Чехия

Биз ўқитувчиларнинг малакасини ошириш соҳасидаги илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида халқ таълими ходимларининг малакасини ошириш жараёнида уларнинг касбий ривожлантириш механизмларини қуйидаги 2-жадвалда ишлаб чиқишга ҳаракат қилдик.



